

---

## ФАРЗАНД КАМОЛИ

Ҳар бир ота-онанинг ҳаётдаги асосий орзуси фарзанди бахту камолини кўришдир. 16-умумтаълим мактаби директори в.б. Шукурулло Азимов ташаббуси билан туманимизда ўтказилган асосий фанлар бўйича ўтказилган фан олимпиадасида фахрли 1,2,3-ўринларни эгаллаган 6 нафар ўқувчиларнинг хонадонларида бўлиб, ўқувчиларнинг ота-оналарига мактаб маъмуриятининг ташаккурномаларини ҳамда эсдалик совғаларини топширдилар.

Албатта, инсон учун кутилмаганда қилинган бундай эътибор ота-оналарга олам-олам қувонч бағишлади, шубҳасиз. Фарзанди ортидан миннатдорчилик эшитиш ҳар бир ота-она учун бахт. Бундай ташаббус нафақат ота-она учун фарзанд учун ҳам катта мотивация бағишлайди. Ҳолиб бўлган барча ўқувчиларимизга вилоят босқичида ҳам омад тилаб қоламиз.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-11-03 09:17:31